Масъулияти чекланган жамият
шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти
Манзил: СТИР: 205192434 Қарши шахри,180100 Насаф ,19-уй.Тел,+99891-947-11-71

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"DUNYO-M" AKSIYADORLIK JAMIYATI бошқаруви органларига:
Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тулиқ номи:	**"DUNYO-M" AKSIYADORLIK JAMIYATI**
Юридик манзили:	Қашқадарё вилояти, Қарши шахар Шайҳали қурғони Олтин бошоқ кучаси. Индекс:730020.
Хисоб рақами:	20210000100206194001 "ТРАСТБАНК" ХА БАНКИНИНГ БОШ ОФИСИ
МФО:	00491
ИФУТ:	10610
СТИР:	201007054
Тел:	99-683-89-79
Асос:	10.03.2026 йилдаги 7-сонли шартнома

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги **«HOMBUR-AUDIT»** аудиторлик ташлилоти аудитори (аудитор малака сертификати №05832 16.12.2021 йил) Жавлиев Шерқузи Мустафаевич **"DUNYO-M" AKSIYADORLIK JAMIYATI**нинг 2025 йил 31 декабр холатига бўлган молиявий холат тўғрисидаги хисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида хисоботидан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида хисоботдан, пул оқимлари тўғрисида хисоботдан, шунингдек хисоб сиёсати ахамиятли қоидаларнинг қисқача таснифи ва бошқа изохловчи маьлумотлардан иборат булган илова қилинаётган молиявий хисоботлари аудитини ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти мазкур молиявий хисоботларни Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва хаққоний тасаввур берадиган молиявий хисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур деб хисоблайдиган ички назорат тизимини таминлаш учун жавобгар булади.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий хисоботларда мухим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди. Аудит молиявий хисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб берадиган маьлумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб тамойилларини бажаришни уз ичига олади. Танланган тартиб-тамойиллар аудиторнинг мулохазасига шу жумладан

фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий хисоботларда юзага келиши мумкин булган мухим бўзиб кўрсатишлар рискларига берилган бахога боғликдир. Бундай рискларни бахолашда аудитор вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-тамойилларни ишлаб чиқиш мақсадида тадбиркорлик субъекти уз молиявий хисоботларини тайёрлаши ва хаққоний тақдим етиши билан боғлиқ булган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит утказиш қўлланилаётган хисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти рахбарияти томонидан хисоблаб чиқилган бахоларнинг асослилиги бахолашни, шунингдек молиявий хисоботларнинг умумий ифодаланишни бахолашни хам уз ичига олади. Биз узимиз олган аудиторлик далиллари уз аудиторлик фикримизни билдиришга асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб хисоблаймиз.

Ижобий Фикр

Бизнинг фикримизча **"DUNYO-M" AKSIYADORLIK JAMIYATI**нинг молиявий хисоботлари унинг 2025 йил 31 декабрга бўлган молиявий холатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча мухим жихатларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ хаққоний акс эттиради.

14.04.2026 йил

МЧЖШ «HOMBUR-AUDIT»
директори: **Ш.М.Жавлиев.**